

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7297981>

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётининг сўнгги йилларидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлари таҳлил қилиниб, “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириши шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришида кадрлар масаласи” юзасидан атрофлича таклифлар келтирилган.

Калим сузлар: рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, тўртинчи инқилоб, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дартари”, “Темир дафтар”.

КАДРОВЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УПРАВЛЕНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация. В статье анализируются социально-экономические процессы экономики страны за последние годы и вносятся подробные предложения по “Кадровым вопросам совершенствования управления малым бизнесом в условиях развития цифровой экономики.”

Ключевые слова: цифровая экономика, малый бизнес, четвертая революция, “Молодежная тетрадь”, “Женская тетрадь”, “Железная тетрадь”.

PERSONNEL ISSUES IN IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT IN THE DIGITAL ECONOMY DEVELOPMENT

Abstract. The article analyzes the socio-economic processes of the country's economy in recent years and makes detailed proposals on “Personnel issues of improving the management of small business in the context of the development of the digital economy”.

Keywords: digital economy, small business, the fourth revolution, “Youth notebook”, “Women's notebook”, “Iron notebook”.

КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида туб ўзгаришлар, ислохотлар жараёни кечмоқда. Айниқса, бутун жаҳон иқтисодиётига катта талофат етказган пандемия ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар келтирмоқда. Бунинг натижасида ҳозирги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган. Халқимизнинг бундай синовли кунларни енгиб ўтишида албатта Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодиётимиз қудратини сақлаб қолиш, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган давлат сиёсати амалдаги қонун ҳужжатларида ва уларнинг ижросида намоён бўлмоқда.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди. Ана шундай синовларга қарамасдан, Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро

рейтинг агентликлари таҳлилларига асосан мамлакатимиз жаҳоннинг санокли давлатлари каторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Бундай иқтисодий қийинчиликлар жаҳон иқтисодиётига ўз салбий таъсирини утказганига қарамай, дунё мамлакатларида тўртинчи саноат инкилоби бошланган. Жаҳонда энг ривожланган мамлакатлар Германия, АҚШ, Хитой, Япония каби бир қатор мамлакатлар аллақачон рақамли иқтисодиёга ўтиб бўлган. Бизнинг мамлакатимиз ҳам ана шу босқичга ўтишида албатта улкан ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириб, авваламбор кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш ва етук мутахассис кадрларни тайёрлаш масаласига катта аҳамият бериш лозим.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда албатта интеллектуал салоҳиятли ёшлар, замонавий кадрларнинг ўрни юқорилигини таъкидлаш лозим. Хусусан, ёшларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ўрни ва таъсирини амалда таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, замонавий дунёқараш, билим ва кўникмага эга ёшларнинг билимларини ва демократик кўникмаларини янада ошириш учун кенг имкониятлар яратишда келажакка сармоя нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, ривожланаётган дунёда замонавий ахборот технологияларининг фаол фойдаланувчиси ҳам, яратувчиси ҳам айнан ёшларнинг ўзи.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотларни амалга ошириш жараёнида республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилиб, тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди. Мамлакатимиз иқтисодиётида 2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди. Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.

Сўнгги йилларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган "Ҳар бир оила - тадбиркор", "Ёшлар келажакимиз" ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди.

Шу билан бирга, 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб номланиши асосида илмга чанқоқ, шижоатли ёшлар ва аёлларга катта эътибор берилиб, улар орасида кам таъминланганлари манзилли равишда ўрганилиб, рўйхатга олинди “Ёшлар дафтари” ҳамда “Аёллар дафтари” ташкил этилган ҳолда давлатимиз томонидан қўллаб-қувватлаш имтиёзлар берилиши ижтимоий стратегик вазифалар каторига киритилди. Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – “темир дафтар” тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди. Жумладан, ўз-ўзини банд қилиш, кичик бизнес стартап лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар ажратилипти, ёки ёшларни ўз касбининг етук мутахассис кадрлари бўлиб етишиши учун таълим грантлари сони бир неча баробар кўпайтирилиши

мамлакатимизда учунчи ренесансни жаклланишида дастлабги қадамлардан десам муболаға бўлмайди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

- 587 минг нафар кишини, шу жумладан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитиш ташкиллаштирилади.

- ахборот технологиялари соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб бориш йўлга қўйилади;

- иқтисодиёт тармоқларида виртуал ва тўлдирилган реаллик, сунъий интеллект, криптография, машина ўрганиши, катта маълумотларни таҳлил қилиш ва «булутли» ҳисоблаш технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш чоралари кўрилади;

- истиқболли инновацион ишланмалар ва стартап-лоийҳаларини амалга ошириш ҳамда уларни тижоратлаштириш ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш амалга оширилади;

- бошқарув маълумотларини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини, жумладан, реал вақт режимида бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиш орқали такомиллаштириш кабилар амалиётга тадбиқ этилиши кўзда тутилган.

МУҲОКАМА

Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Мамлакатимизда камбағалликни камайитириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Бунда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бошқарувини амалга оширувчи раҳбар, етук мутахассис кадрлар билим-салоҳиятини изчил ривожлантиришга эришсак, нафақат мамлакатимизда камбағалчиликни қисқартириш, балки дунё рейтингларининг муносиб ўринларидан жой олишга муваффақ бўламиз ва бевосита ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эришамиз.

ХУЛОСА

Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда кадрлар масаласи ҳозирги кундаги энг долзарб мавзулардан бири сифатида бу соҳани ривожлантириш муаммоларини ечишда қуйидаги таклифларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

- рақамли иқтисодиёт шароитида бошқарувни амалга оширувчи етук мутахассис кадрларни тайёрлаш;

- раҳбар кадрларда инқилобий фикрлаш, дунё қарашини кенгайтириш;

- илғор технологияларда ишлайдиган кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;
- инновацион янгилик устида ишлаётган ёшлар учун кенг қулайликлар очиб бериш;
- қишлоқ жойларида ёшлар ва аёлларни касбга йўналтирган ҳолда мотивациялаш;
- ёшларнинг ўз бизнесини бошлашида стартап лойиҳаларини амалга оширишда ҳамкорлик ишларини олиб бориш,
- янги соҳалардан бири бўлган ИТ тизимининг таълимини изчил шакллантириш кабилар амалиётга тадбиқ этилса, ўйлайманки айнан кичик бизнес бошқаруви соҳасида кадрлар масаласи юзасидан муаммолар ўз ечимини топишида муҳим рол ўйнайди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони. 5.10.2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” № ПҚ-4862 Қарори. 13.10.2020 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил якунлари бўйича Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил.
4. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
5. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
6. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60
7. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
8. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
9. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
10. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
11. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.

12. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
13. MD Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
14. D.Махмудова “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
15. D. Махмудова “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
16. www.stat.uz
17. www.lex.uz